

Шаржа халқаро китоб кўргазмаси иш бошлади



10:50 / 10.11.2023 986

Қирқ иккинчи Шаржа халқаро китоб кўргазмасида Қуръони Каримнинг аудио китоби, Брайл алифбосидаги адабиётлар кенг намойиш этилмоқда.

Жумладан, «Дар ал-Барак» нашриёти болалар учун маданий-маърифий китоблар, пайғамбарлар қиссаси жамланган аудио китоблар, шунингдек, кўзи ожизлар учун Брайл алифбосидаги қатор диний асарлар таклиф қилинмоқда.

Абу Даби араб тили маркази эса Брайл алифбосидаги маданий, ижтимоий ва сиёсий асарларни меҳмонлар эътиборига ҳавола этапти.